



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган WWW.XS.UZ E-mail: info@xs.uz 2020 йил 27 август, № 181 (7683) Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

## СЕН — ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «МЕҲР-САХОВАТ» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда бутун инсоният қатори кўп миллатли халқимиз ҳам коронавирус пандемияси оқибатида юз берган оғир синов ва қийинчиликларга қарши саботманот билан кураш олиб бормоқда.

Ушбу улкан офатнинг мамлакатимиз ҳаётига салбий таъсирини юмшатиш, фуқаролар саломатлигини асраш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлатимиз ва жамиятимиз томонидан ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар самарасини бермоқда. Мана шундай мураккаб ва таҳликали вазиятда мард ва жасур, олижаноб халқимиз янада жипслашиб, ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби юксак инсоний фазилатлар соҳибид эканини яна бир бор амалда намойён этмоқда.

Глобал пандемия ҳамда турли табиий офат ва факуллода ҳолатларга қарши курашиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борадаги ишларни умумхалқ ҳаракати даражасига кўтаришга катта ҳисса қўшган, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва тотувлик муҳитини мустақамлашда фаол иштирок этаётган, бегараз ҳомилийк ёрдами ҳамда эзгу ишлари билан барчага ўрناق бўлаётган юртдошларимизни муносиб тақдирлаш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш соҳасининг жонкуяр вакиллари, саховатли тадбиркорлар, давлат ва жамоат таъкилотларининг фидойи ходимлари ҳамда бошқа ташаббускор ва фаол фуқаролар «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан мукофотлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа республика таъкилотлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган рўйхатларни кўриб чиқсин ва тасдиқласин.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Меҳр-саховат» кўкрак нишонларини топширишга бағишланган тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.
4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2020 йил 26 август

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ АҲОЛИНИ ИЖТимоий Қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва кўмакка муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6038-сон Фармонида назарда тутилган ҳамда бошқа қўшимча манбалар ҳисобидан ажратсин.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган бир марталик моддий ёрдам миқдори **ҳар бир 16 ёшга тўлмаган бола учун 500 минг сўм** этиб белгилансин.

3. Мақтабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг республикадаги барча бошланғич, умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимларини марказлашган тартибда 2020 йил 1 октябрга қадар бепул гриппга қарши эмлаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар бир таълим ва соғлиқни сақлаш муассасасига борган ҳолда ходимларини эмлаш ўтказиши ва тегишли соғлиқни сақлаш муассасаларини вакцина ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарорда белгиланган бир марталик моддий ёрдам ва ходимларини эмлаш учун зарур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори халқимизнинг меҳр-муруват, хайр-саховат каби азалий қадриятлари бардавомлигини яна бир бор намойён бўлди. Шу билан бирга, пандемия шароитида давлатимиз томонидан фуқароларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар илчил давом эттириляётганини ифодалади.

Мазкур ҳужжатнинг маъзун-моҳияти, аҳамияти ва унинг ижроси доирасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида мутасадди таъкилотлар вакиллари билан мулоҳазаларини ёзиб олдик.

### МЕҲР-МУРУВВАТ, ХАЙР-САХОВАТ КАБИ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР БАРДАВОМЛИГИ ИФОДАСИ

Президентимизнинг «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори халқимизнинг меҳр-муруват, хайр-саховат каби азалий қадриятлари бардавомлигини яна бир бор намойён бўлди. Шу билан бирга, пандемия шароитида давлатимиз томонидан фуқароларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар илчил давом эттириляётганини ифодалади.

Мазкур ҳужжатнинг маъзун-моҳияти, аҳамияти ва унинг ижроси доирасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида мутасадди таъкилотлар вакиллари билан мулоҳазаларини ёзиб олдик.

**Муносабат**

**Дилшод СУЛТОНОВ, молия вазири ўринбосари:**

— Бир ой олдин пандемия тугайли кўмакка муҳтож бўлиб қолган оилаларнинг рўйхати шакллантирилиб, «темир дафтар»га киритилган ва уларнинг ҳар бирига ўртача бир миллион сўмдан тарқатилган эди. Бу ҳайрли иш учун 400 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланганди. Мазкур қарорнинг ўзига хослиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, унинг доирасида моддий ёрдам ҳамда кўмакка муҳтож оилаларга болаларини киши кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш учун бир марталик моддий ёрдам бериладиган бўлди. Ҳўш, аҳолининг ўз хайрига қарши қилмади. Биринчидан, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори халқимизнинг меҳр-муруват, хайр-саховат каби азалий қадриятлари бардавомлигини яна бир бор намойён бўлди. Шу билан бирга, пандемия шароитида давлатимиз томонидан фуқароларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар илчил давом эттириляётганини ифодалади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2020 йил 26 август

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ «МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга ошириляётган кенг қўламли ислохотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқбол учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтисодий йўналишлари фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқчи муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.
2. «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганларга совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Мард ўғлон» давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдоридан пул мукофоти берилишини таъминласин.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.
5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2020 йил 26 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 августдаги ПҚ-4814-сон қарорига илова

### «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар рўйхати

- Рахимбаев Отабек Давлатбаевич** — Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)
- Сержанов Памир Оралбаевич** — Нукус шаҳридаги «Оралбай Нукус» оилавий корхонаси раҳбари (Қорақалпоғистон Республикаси)
- Абдухалилов Мирзохид Воҳиджон ўғли** — Андижон машинасозлик институтининг 4-босқич талабаси (Андижон вилояти)
- Комилов Алишер Абдуманноб ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти илмий ходими (Андижон вилояти)
- Джурраев Феруз Хамроевич** — «Хунарманд» уюшмасининг Бухоро вилояти бошқармаси аъзоси (Бухоро вилояти)
- Норбоев Жаҳонжон Жўрабек ўғли** — Пешку туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)
- Турсунов Бекзод Акбар ўғли** — Тошкент архитектура-қурилиш институти таянч докторанти (Жиззах вилояти)
- Халилов Раъшан Қаҳрамон ўғли** — Тошкент давлат аграр университетининг 1-босқич талабаси (Жиззах вилояти)
- Қодиров Фаррух Эргаш ўғли** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали 1-босқич магистранти (Қашқадарё вилояти)
- Очилов Мухриддин Тўлқин ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси (Қашқадарё вилояти)
- Хайдаров Суҳроб Суранбаевич** — Навоий шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси (Навоий вилояти)
- Эгамов Ҳусен Эркинович** — Тошкент тиббиёт академиясининг 1-босқич талабаси (Навоий вилояти)
- Абдухалилов Фаррух Шухратжон ўғли** — Янгикўрғон тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси врач-эпидемиологи (Наманган вилояти)
- Салойдинов Сардоржон Қодиржон ўғли** — Тошкент давлат техника университетининг 1-босқич магистранти (Наманган вилояти)
- Нуруллаев Ҳасан Жўрабек ўғли** — Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси (Самарқанд вилояти)
- Шарипов Расул Шокир ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари взвод командири (Самарқанд вилояти)

### Олий Мажлис Сенати

#### МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТАРИЗМДА ЁШЛАР ИШТИРОКИНИ КУЧАЙТИРИШ МУҲИМ

Жаҳон парламентларида 30 ёшгача бўлган депутатлар 2 фоиздан сал кўпроқни ташкил қилади. Дунё миқёсида 30 ёшгача бўлган депутатлар 2016 йилда 1,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб бор йўғи 2,2 фоизга етган. Парламент палаталарининг 76 фоизидан 30 ёшгача бўлган депутат ёки сенат аъзоси умуман мавжуд эмас. 2016 йилдан бугунги кунга қадар ёш эркак парламент вакиллари сони ёш аёл парламент вакилларига нисбатан кескин ўсган. Бизда бу кўрсаткич 6 фоизни ташкил этади.

Кеча пойтахтимизда Олий Мажлис Сенати ҳузурида ташкил этилган Ёшлар парламенти аъзолари иштирокида «Ёшларга оид давлат сиёсати» амалга оширишда Ёшлар парламентининг ўрни ва истик-болдаги долзарб вазифалари мавзусида онлайн давра суҳбати бўлиб ўтди. Миллий парламентаризмда айнан ёшлар иштирокини кучайтириш масалалари тадбирининг муҳокама марказида бўлди.

Давра суҳбатидан Сенат аъзолари, Ёшлар ишлари агентлиги, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ва бошқа му-тасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

бўс кўрсатиши мақсадга мувофиқ. Шу боис Ёшлар парламентининг ҳар бир аъзоси ўзи истикомат қиладиган ҳудуд ёшларига тегишли муаммоларни ўрганиб, унинг сабабларини аниқлаши, шунингдек, бу ёшлар ўртасида муҳокама қилиниб, бартараф этиш юза-сидан ўз таклифларини Сенатга ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига тақдим қилиб бориши зарурлиги кайд этилди.

Шу билан бирга, Ёшлар парламенти қонун ижодкорли-гида ёшларнинг иштирокини таъминлаш, бўлғуси Сенат аъзолари ҳамда сиёсатчилар-ни тайёрлаш, яъни кадрлар захирасини шакллантириш, ёшларни улкан мақсад ва аниқ лойиҳаларга йўналтириб бориш каби вазифаларни бажариши-га ишонч билдирилди.

Давра суҳбатидан Ёшлар парламенти аъзолари сўзга чи-қиб, ушбу тузилма комиссия-ларининг келгусидаги вазифа-лари, парламент иш режаси ва регламенти лойиҳалари бора-сида сўз юритдилар.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

#### КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИҚДАГИ ИЖРОСИГА ТАЪСИР КЎРСАТДИМИ?

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди.

Видеоконференция тарзида ўтказилган мажлисда Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, Молия, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартриш вазирликлари ҳамда давлат қўмиталари ва идоралар раҳ-барлари иштирок этди.

Ҳисоботда таъкидлангани-дек, Давлат бюджетининг 2020 йил биринчи ярим йил-лик ижроси «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет тўғрисида»ги Қонунда белгиланган бюджет параметрлари доирасида коро-навиралар пандемиясига қарши курашиш ҳамда глобал инки-роз оқибатларини бартараф этиш юзасидан қабул қилин-ган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари-нинг ижросини таъминлашга қаратилган.

Коронавирус пандемияси бутун жаҳонда бўлгани каби Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. 2020 йил бирин-чи ярим йил якунига қўра, мамлакат ялпи ички махсу-лотининг (ЯИМ) ҳажми 255,3 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридаги-га нисбатан 0,2 фоиз ўсган. Давлат бюджетининг даромад-лари 58 157,0 млрд. сўмга эки тасдиқланган йиллик параметр-ларга нисбатан 45,3 фоиз ижро қилинган.

Давлат бюджетининг хара-жатлари (давлат мақсадли жамғармаларисиз) 64 878,9 млрд. сўм эки ЯИМга нисбатан 25,4 фоиз ҳамда аниқланган харажатлар режасига нисбатан 90,3 фоиз бўлган. Ҳисобот давридаги бюджет тақчиллиги 6,7 трлн. сўмни ташкил қилиб, тақчиллик халқроқ молия институтлари (3 299,4 млрд. сўм) ҳамда давлат фазначилик облигациялари жойлаштирили-шидан келиб тушган маблағ-лар (3 422,5 млрд. сўм) ҳисо-бига қопланган. Давлатнинг ташқи қарзи жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 17,3 млрд. АҚШ доллари га етган.

## «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

**Усмонов Жасур Ботир ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Харбий-техника институти таянч докторанти (Сирдарё вилояти)

**Эшбеков Азизжон Махмуджон ўғли** — Мирзаобод туманидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси (Сирдарё вилояти)

**Лутфиллаев Шарафуддин Рустамович** — Тошкент давлат иқтисодий университетининг 3-босқич талабаси (Сурхондарё вилояти)

**Сапаров Олим Насимович** — «Ёшлар — келажагимиз» жамғармасининг Термиз шаҳар филиали раҳбари (Сурхондарё вилояти)

**Ўйлашбеков Бобуржон Дилшоджон ўғли** — Паркент туманидаги «Modern education» интеллектни ривожлантириш маркази директори (Тошкент вилояти)

**Шоюнусов Сарвар Икром ўғли** — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 4-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

**Ахаджонов Асилбек Абдусалом ўғли** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг 2-босқич талабаси (Фарғона вилояти)

**Имомов Жасурбек Ахроржон ўғли** — Ўзбекистон Миллий университетиининг 1-босқич талабаси (Фарғона вилояти)

**Бобожонов Раҳматжон Алишер ўғли** — Тошкент шаҳридаги «Китоб дунёси» газетасининг ўзбек адабиёти бўлими муҳаррири (Хоразм вилояти)

**Якуббеков Нодирбек Муродбек ўғли** — Ўзбекистон Миллий университетиининг 1-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

**Мамажонов Муҳиддин Мўйдинжон ўғли** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг тезкор вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассис-ўқичиси (Тошкент шаҳри)

**Мустафин Владислав Альфредович** — Сузих бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси (Тошкент шаҳри)

## МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТАРИЗМДА ЁШЛАР ИШТИРОКИНИ КУЧАЙТИРИШ МУҲИМ

Хусусан, бунда Ёшлар парламенти аъзолари Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббусни чинакам халқ ҳаракатига айлантириш, ҳудудлардаги Ракамли технологиялар ўқув марказлари ва «Бир миллион дастурчи» лойиҳасига ўқил-қизларни кенг жалб қилиш, муҳокамага қўйилган қонун лойиҳаларида жойлардаги ёшлар манфаатлари ифода этилаётганини таҳлил қилиб бориш назарда тутилган. Қолаверса, Меҳрибонлик ўйлари битирувчилари ҳамда имкониятни чекланган ёшларнинг жамиятга мослашувиغا кўмаклашши, гендер тенгликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларда фаол қатнашиш каби режалар устувор мақсад қилиб белгиланган.

— Мамлакатимиз ёшларини кўллаб-қувватлаш, жамиятда уларни сиёсий фаол қатламга айлантириш ҳамда сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини амалда бойитиш, қабул қилинаётган қонунларни йиғит-қизлар орасида кенг тарғиб этиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишга бу-гун юқори палатада алоҳида эътибор қаратилмоқда. — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Шўхрат Чўлиев. — Ёшлар парламенти бизга навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бундан ташқари, Сенат вакиллик палатаси сифатида ҳудудларда ёшларни қийнаётган муаммоларни ҳам уларнинг ёрдамида урганиш ҳамда бартараф этишга интилади. Бунинг учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга солаемиз.

Шунингдек, тадбирчи Сенатнинг ҳар бир кўмитаси Ёшлар парламенти билан яқин ҳамкорликда ишлаш зарурлиги таъкидланиб, комиссиялар тегишли кўмиталарга бириктирилди.

«Халқ сўзи».

# КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИКДАГИ ИЖРОСИГА ТАЪСИР КЎРСАТДИМИ?

Муҳокамаларда депутатлар ҳисобот даврида Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинганлиги, ижтимоий соҳа харажатларини молиялаштириш учун умумий бюджет харажатларининг 53,4 фоизи миқдориди маблағ сарфланганлигини ижобий баҳоладилар.

Шу билан бирга, коронавирус пандемияси сабаб Давлат бюджети даромадларида прогноз кўрсатишларга нисбатан 8,4 трлн. сўм миқдориди йўқотишлар бўлганлиги ҳамда унинг сабабларига депутатлар эътибор қаратилди.

Муҳокамада Инқирозга қарши курашиш жамғармаси даромадлари шакллантирилиши ҳамда жамғарма маблағлари ҳисобидан коронавирусга қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш, соғлиқни сақлаш муассасалари, ичимлик суви, ирригация ва мелiorация объектилари ҳамда умумтаълим мактаблари ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектиларини куриш, реконструкция қилиш ҳамда жиҳозлаш учун йўналтирилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишда 1 632 та ҳолатда 81,7 млрд. сўм миқдориди молиявий хатоликлар, жумладан, 18,2 млрд. сўм миқдориди пул маблағлари ҳамда моддий бойликлар қамомати, ўзлаштиришлар ва 63,5 млрд. сўм миқдориди ҳуқуқбузарликларнинг бошқа турлари аниқланганлиги депутатларнинг диққат марказида бўлди.

2020 йилги Инвестиция дастурида ижтимоий соҳа объектиларини куриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларининг айна пайтдаги ҳолати қониқарсиз даражада қолаётганлиги, ушбу мақсадларда соҳага ажратилган маблағларнинг 27 фоизи ўзлаштирилганлигини халқ вакиллари қониқарсиз ҳолат, деб баҳоладилар. Инвестиция дастури доирасида маблағларни ўзлаштириш даражаси мактабгача таълим муассасаларида 11 фоиз, Жисмоний тарбия ва спорт вазирли-

гида 5 фоиз, Маданият вазирлигида 8 фоизни ташкил қилганлиги депутатларнинг асосли эътирозлари-га сабаб бўлди.

Муҳокамалар давомиди депутатлар маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш, солиқлар базасини кенгай-

тириш, маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш борасида маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини ошириш,

Давлат бюджетининг ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтиришга оид аниқ тақлиф ва тавсиялар бердилар.

Мажлис якунига кўра, Олий Маж-

лис Қонунчилик палатасининг кун тартибидидаги масала бўйича тегишли қарори қабул қилинди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси ваколатларида тааллуқли бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

### Фракциялар Ҳукумат ҳисоботи юзасидан ўз нуқтаи назарини билдирди

#### Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси

аъзолари томонидан Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси ЎзЛиДепPP электоратининг манфаатлари ҳамда сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Бутун дунёда глобал иқтисодий инқироз кузатилаётган, халқро молиявий маблағларга эҳтиёж ошаётган бир вақтда Ўзбекистонга халқро молия ташкилотлари, хусусан, Жаҳон банки, Халқро валюта жамғармаси, Осие таракқиёт банки томонидан узоқ муддатта мўлжалланган имтиёзли кредитларнинг ажратилаётганлиги мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, айниқса, пандемия шароитида кўрилаётган иқтисодий чоралар тўғри эканлигини тасдиқлаши таъкидланди.

Шунингдек, пандемия шароитида аҳолига ва тадбиркорларга солиқ ҳақида божжона бўйича берилаётган имтиёзлар барча ҳудудда ҳаммага бир ҳилда тўлиқ қўлланилишини таъминлаш зарурлиги айтиб ўтилди.

#### Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси

аъзолари пандемия шароитида мамлакатимизда бўш турган ишлаб чиқариш объектиларининг ишга туширилиши эвазига янги иш ўринлари барпо этилаётганлиги, барқарор даромад манбаига эга бўлмаган аҳоли қатламнинг иқтисодиётнинг турли соҳаларига ишга жалб этилаётганлигини ижобий жараён, деб баҳоладилар.

Шу билан биргаликда, бюджет маблағларидан фойдаланишда молиявий хатоликлар, қамоматлар, ўзлаштиришлар ҳамда қонуний харажатлар ўсиб бораётганлиги таъкидланди. Жумладан, Халқ таълим вазирлигида 235 та ҳолатда 21,5 млрд. сўм миқдориди қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилнинг мос давридаги нисбатан қонунбу-

зилиш ҳолатлари 2,5 баравар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 2,3, Мактабгача таълим вазирлиги тизимида 1,4, Маданият вазирлиги тизимида 2, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимида 3,4 ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида 2 баравар ошган.

Депутатлар давлат қарзини оптималлаштиришда ички қарз улушини ўстириш омилли ҳам самарали бўлиб, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгаллигини, Ҳукумат мазкур масалаларга эътибор қаратиши лозимлигини қайд этдилар.

#### Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси

вакиллари соғлиқни сақлаш соҳасига ҳисобот даврида Давлат бюджетидан (8 071,5 млрд. сўм) ҳамда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан ҳам қонунбузилиш янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирларга жами 724,3 млрд. сўм маблағ ажратилганлигини ижобий баҳоладилар.

Фракция аъзолари шу билан бирга, айрим муаммоларга эътибор қаратди. Хусусан, пандемия шароитида тиббиёт ходимларида давлат томонидан ажратилган қўшимча устамаларнинг ўз вақтида тўланмаслиқ ҳолатлари кузатилаётганлиги танқид қилинди. Шунингдек, июнь-июль ойларида коронавирусга чалинган ва гумон қилинган беморларга етарли даражада тиббий хизматлар қўрсатилишида сўхашликка йўл қўйилганлиги қайд этилиб, қонунбузилиш тарқалиши мумкин бўлган кейинги тўқтинларига тайёргарлик кўриш, жумладан, тиббиёт тизимида қўшимча тайёргарлик ишларини олиб бориш зарурлигига ургу берилди.

#### Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси

аъзолари муҳокама-лар жараёнида пандемия шароитида Давлат бюджетни харажатларининг асосий қисми соғлиқни сақ-

## ИЖТимоий ҲИМОЯ ВА БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ватанимизда Муқтақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан «Муқтақиллик ислохотлари: ижтимоий ҳимоя ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳолати ва истиқболлари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

### Давра суҳбати

Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан видеоқонференция шаклида ўтказилган ушбу тадбирда тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари қатнашди.

«Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган тамойил асосида халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ижтимоий ислохотлар, аввало, аҳоли фаровонлигини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган. Мазкур жараёнда фуқаро-

ларимизнинг, айниқса, кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларни аниқ ва қучли, манзилли тарзда ижтимоий муҳофаза этиш, оғирини енгил қилиш масаласига устувор аҳамият қаратилаётди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони асосида Қурбон ҳайити байрами арафасида «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 150 млрд. сўм миқдориди маблағ ажратилиб, республика миқёсида аҳоли-

нинг эҳтиёжманд қатламига 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам тарқатилгани айтиб ўтилди.

Қолаверса, оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш мақсадида оғир турмуш шароитида яшаётган аёллар, айниқса, ёш хотин-қизлар бандлигини таъминлаш манзилли дастури тасдиқланиб, унга кўра ўтган йили 13 минг 44 нафар оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Бу борадаги ишлар мунозаам давом этириляпти.

Шунингдек, меҳнат бозоринда ҳам салмоқли ишлар бажарилган. Жумладан, иш билан банд бўлганлар сони 1,5, иш бевувилик сони эса 4,5 баробар ошгани эътироф этилди.

Давра суҳбатида ташки

меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалалар, тизимдаги сўнгги ислохотлар, янги молиявий меҳнатчилар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бандлик хизмати кўрсатиш сифатини ошириш, камбағалликни қисқартириш, ажратилаётган молиявий ёрдамларнинг манзиллилигини таъминлаш борасидаги ишлар танқидий-таҳлилий муҳокама қилинди.

Баҳо-мунозараларга бой тарзда ўтган тадбир якунида меҳнат муносабатлари ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тегишли тақлиф ҳамда тавсиялар билдирилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

## «ТУРИЗМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН: ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР

Жиззахда Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасининг «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси ҳолатини ўрганиш якунлари муҳокамасига бағишланган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

### Назорат

Унда сенаторлар, Жиззах вилояти ҳокими ўринбосарлари ҳамда масъул ходимлари, бошқармалар раҳбарлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва Жиззах шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда ишчи гуруҳ томонидан вилоятда қонун ижроси ҳолатини ўрганиш якунлари бўйича тайёрланган ахборот-таҳлилий ҳисобот, шунингдек, кўмитанинг ушбу масала юзасидан қарори лойиҳасининг мазмуни ва уни амалга оширишнинг ҳудудлар кесимидаги бандлари кенг муҳокама қилинди.

Урганишлар шуни кўрсатдики, республика ҳамда минтақавий миқёсда ушбу Қонун ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, республика даражасида

тегишли меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди, меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари), шунингдек, туроператор ва сайёҳлик агентликлари хизматларини кўрсатиш қоидалари ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, мамлакатнинг Халқро туризмини стандартлаштириш талабларига мувофиқлигини баҳолаш мақсадида туризм соҳасидаги ходимлар учун стандартлар ҳамда талаблар ишлаб чиқилган ва рўйхатга олинган.

Виза тартибини соддалаштириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилди. Жумладан, 2018 йилда Ўзбекистонда 9 мамлакат фуқаролари учун визасиз режим назарда тутилган бўлса, 2019 йилда уларнинг сони яна 47 тага кўпайди, 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра визасиз

режимга эга мамлакатлар умумий сони 86 тага этди. Фуқаролари электрон виза олишлари мумкин бўлган мамлакатлар сони 57 тага этди. Икки ва кўп марталик электрон визалар тизими жорий этилди.

Ушбу чора-тадбирлар тўғрисида 2017 — 2019 йилларда мамлакатимизга келадиган туристлар оқими бир неча баробар ўсишига эришилди.

— Вилот ҳокимлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси билан биргаликда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича яхлит концепция ишлаб чиқилган, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Равшанбек Алимов. — Амалга оширилган ишлар натижасида сайёҳлик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони 2018 йилдаги нисбатан 2,6 баравар ошашига эришилган. 2019 йилда вилотта 11 мингдан зиёд чет эллик сайёҳлар келган бўлса, 2020 йилнинг биринчи чорагида COVID-19 пандемияси тўғрисида

эллик сайёҳлар ташрифи қамайиб, бор-йўғи 591 нафарни ташкил этган, ҳолос. Шу билан бирга, амалга оширилган ишларга қарамай, республика ва вилот даражасида ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор масалалар мавжуд. Жумладан, транспорт ҳамда меҳмонхоналар инфратузилмасини шакллантириш, туристик маҳсулотни диверсификация қилиш, зиёрат туризмни ривожлантириш, янги туристик нуқталарни шакллантириш ва вилот туманларида сайёҳлик салоҳиятидан имкон қадар фойдаланиш масаласи ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Тадбирда Жиззах вилоятида туризм соҳасини комплекс ривожлантириш дастурининг 2017 — 2019 йилларда амалга оширилиши бўйича белгиланган бандларни бажаришда сўхашликка йўл қўйилаётганлиги, туристик йўналишлар бўйлаб сайёҳлар ва экскурсантларнинг ҳимояси ҳамда хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш масаласи очкилиги ва вилот туризмининг ривожлантириш ҳудудий бошқармасининг моддий-техника базаси

ҳамда кадрлар билан таъминланиш муаммоси ҳамон долзарб бўлиб қолаётгани таъкидланди.

— Қонун ижроси жараёнида қатор муаммо ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Санобар Суярова. — Масалан, унинг 15-моддасига асосан туристик индустрия объектиларини таснифлаш ва уларга тоифалар бериш ихтиёрий асосда амалга оширилиши белгиланган бўлган. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йилдаги тегишли қарориди тоифаларни олиш механизми батафсил тушунтирилган ҳамда ушбу ҳужжатга мувофиқ тоифаларни олиш билан боғлиқ барча жараён бепулдир, дейилган. Шунга қарамай, хозирги вақтда мамлакатимизда фақатгина 5 та меҳмонхона таснифлашдан ўтган, ҳолос. Таснифлашдан ўтгани ҳолатида туризм санатоки бошқа объектиларини топишнинг имкони бўлмади. Жиззах вилоятида эса тегишли тоифани олиш учун таснифлашдан ўтган битта ҳам объект мавжуд эмас.

Яқунда кўриб чиқилган масалалар бўйича кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан «Туризм тўғрисида»ги Қонун, шунингдек, минтақавий дастурлар ижроси устидан назоратни кучайтириш тўғрисида келишувга эришилди.

Толибжон ЭРҒАШЕВ («Халқ сўзи»).

## МЕҲР-МУРУВВАТ, ХАЙР-САХОВАТ КАБИ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР БАРДАВОМЛИГИ ИФОДАСИ

Шўхрат ДАВРОНОВ, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси директорининг ўринбосари:

— Ушбу бир марталик моддий ёрдам пуллари аҳолига пенсия ва нафақалар билан бирга, уларга кўшган ҳолда берилади. Пенсия ва нафақаларни нақд олувчи фуқароларга Халқ банкнинг ҳудудий филиаллари орқали манзилларига етказилади. Пенсия ва нафақа-

лари пластик картага ўтказилган юрtdошларимизга бир марталик моддий ёрдам уша пластик карталарига тушириб берилади. Айтмоқчи бўлганимиз, аҳоли ушбу ёрдам пулини қаердан ва қандай оламан деб, овораю сарсон бўлмайди.

Марям АБДУКАРИМОВА, Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Ушбу қарор билан Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги зиммасига масъулиятли вазифалар юкланди. Биринчи навбатида, ушбу бир марталик моддий ёрдамни олувчилар рўйхатини, хусусан, моддий ёрдам ҳамда кўмакка муҳтож оилаларнинг

«темир дафтари»ни шакллантиришда ҳолислик ва ижтимоий адолатни таъминлашимиз зарур. Бу борада вазирлигимиз томонидан қатъий тартиб ҳамда назорат асосида ишлар олиб борилмақда. Кўнгилни тўқ қилиш керакки, жоннаҳон Ватанимизда моддий кўмак-

ка эҳтиёжманд ҳеч бир инсон эътиборсиз қолмайди. Зеро, муҳтожга ёрдам қўлини чўзиш, йиқилганини суяш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Эзгу тутуми, қадриятига айланган.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

## ЗАЛВАРЛИ ВАЗИФАЛАР ВА МАСЪУЛИЯТ

Коронавирус пандемияси фуқароларимиз соғлиғига хавф солиши билан бирга, давлат бошқаруви самарадорлигини, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги ва жамиятимиз етуқлиги даражасини жиддий синовдан ўтказмоқда.

### Мушоҳада

Ана шу вазиятдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз раҳбари коронавирус пандемияси ҳамда глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархлар асосини ошиб кетишнинг олдини олиш, бюджет тушулмурига қўшимча манбаларни аниқлаш ҳисобига йўқотишларни қоплаш бўйича аниқ чоралар кўриш ҳамда тадбиркорларимиз дуч келадиган муаммолар ечимини топишда барча маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар елкадош бўлиши лозимлигини ўқитди. Зеро, депутат ўзи сайланган ҳудуд ободончилигида тортиб, одамларни қўйиб қўйиб муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилганга масъул ҳисобланади. Бу борада Юртбошимизнинг 11 та муҳим йўналиш бўлиши берган топишриги дастуриломандир.

Шу асосда Томди туманида ҳам маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан бир қатор амалий ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

Биринчи йўналиш бўйича ҳудуддаги коронавирус пандемияси шароитида эпидемиологик ҳолат барқарорлигини таъминлаш юзасидан зарурий чоралар кўрилди. Чунончи, туманда бир нафар коронавирус билан зарарланган фуқаро аниқланиб, унинг тўлиқ соғайиши учун барча имконият ишга солинди. Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда санитария эпидемиологик соғайишлик маркази билан биргаликда коронавирус касаллиги профилактикаси ва касаллик аниқланганда зарур бўлган жиҳоз ҳамда тиббий ускуналар ва дори-дармонлар харид қилиниб, керакли миқдордаги захиралар яратилди.

Учинчи ҳамда тўртинчи йўналишлар, асосан, истеъмол товарларининг нарх-наволари барқарорлигини таъминлаш бўлиб

# РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Мустақиллик, бу — энг аввало, халқимизнинг ўз тақдирига эгалик қилиш ҳуқуқидир. Бугун ҳар биримиз ифтихор билан айта оламизки, тарихан қисқа давр ичида юртимиз давлат ва жамият қурилиши борасида ҳар томонлама тараққиёт эҳди ҳамда юксалиши сари интилмоқда.

Шу ўринда бошқа йўналишлар каби ахборотлаштириш соҳаси ҳам изчиллик билан ривожланиб бораётганини қайд этиш жоиз. Бинобарин, ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат рақобатининг бош мезони саналади.

## Фикр

Президентимиз давлат раҳбари сифатида ўз фаолиятининг бошидан оқиб тараққиётга эришиш учун рақамли билан ҳамда замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шартлигини, бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беришини, зеро, бугун дунёда барча соҳага ахборот технологиялари чуқур кириб бораётганини эътиборга олиш керакдир.

Дарҳақиқат, рақамлаштириш, бу — ҳаётнинг турли соҳаларига, жумладан, иқтисодиёт, таълимнинг барча босқичи, маданият, тиббиёт, туризм, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа жараёнларга рақамли технологияларни жорий қилиш экан, энг аввало, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш муҳимлиги шубҳасиздир.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси жадал ривожлантирилишини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин тутган 20 дан

ортиқ Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш баробарида, мамлакатда рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши давлат ҳамда жамият бошқаруви, иқтисомий соҳа ривожланишига, одамлар турмуши яхшиланишига эришилмоқда.

Албатта, бу соҳада амалга оширилаётган ишлар кўлами жуда катта. Чунончи, ҳозирги кунда 104 та “Электрон ҳукумат” ҳамда 87 та “рақамли иқтисодиёт” ни кенг жорий қилиш бўйича устувор лойиҳалар юзасидан ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, “Электрон поликлинника” ахборот тизими жорий этилди, фуқароларни қийнаб турган ер-кадастр маълумотларини олиш билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топомқда, яъни шахарсозлик кадастри геоахборот тизими жорий қилиниб, республика ҳудудига юриллаётган давлат шахарсозлик кадастри тўғрисида батафсил маъ-

лумотларни онлайн шаклда олиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, юртимизда интернет ва мобил алоқа хизматлари кўрсатиш даражасини юксалтириш бўйича сезиларли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Жумладан, телекоммуникация инфратузилмасини ривож-

дан иккита маҳаллий мобил оператори — “Uzmobile” ва “Ucell” 5G технологиясини тест синовидан ўтказишни бошлагани, “Узбектелеком” АК “Uzmobile” филиали томонидан мавжуд мингдан ортиқ қабл саҳна станциялари модернизация қилингани шундан далолат беради.

“**Рақамлаштириш, бу — ҳаётнинг турли соҳаларига, жумладан, иқтисодиёт, таълимнинг барча босқичи, маданият, тиббиёт, туризм, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа жараёнларга рақамли технологияларни жорий қилиш экан, энг аввало, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш муҳимлиги шубҳасиздир.**”

Шунингдек, белгиланган вази-лардан келиб чиқиб, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастури концепцияси ҳам ишлаб чиқилди. Ушбу концепция иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимининг барқарор равишда рақамли ривожланишини таъминлаш бўйича асосий йўналишларини ва вази-ларни белгилайди. Концепция доирасида 2030 йилгача 14 та мақсадли кўрсаткичлар белгиланмоқда. Жумладан, оптик толали алоқа тармоғининг узунлигини 250 минг км.га, кенг полосоли мобил алоқа билан қамрови даражасини 100 фоизга, электрон давлат хизматлари улуғини 90 фоизга, давлат хизматлари порталидан фойдаланувчиларни 2,5 миллионга етказиш, “электрон ҳукумат” ривожланган 30 талик мамлакатлар

категория кириш, электрон тижорат субъектлари сонини 20 мингга, рақамли технологиялар марказлари сонини 202 тага етказиш ва шу каби бошқа кўрсаткичлар белгиланмоқда.

Айтиш лозимки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳага оид ҳуқуқий асосларнинг яратилиши мамлакатда рақамли ривожланишнинг таъминланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини яратиш орқали рақамли иқтисодиётнинг изчил ривожланишига дадил қадам қўйилмоқда, соҳада қатор йирик лойиҳалар амалга оширилаётган ва бу жараён шиддат билан давом этмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, барча соҳада, шу жумладан, рақамлаштириш соҳасида қўлга киритилган ютуқ ҳамда натижаларни тўб ислохотларимизнинг дебочаси сифатида қабул қилиб, олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, албатта, ушбу соҳанинг жадал ривожланишига хизмат қилади. Шу билан бирга, халқимиз, айниқса, унинг энг фаол қатламига айланган бораётган тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илгор хорижий тажрибани таҳлил қилиш борасидаги ишларимизни фаол давом эттиришимиз лозим. Зеро, Ватанимиз мустақиллиги ҳар босқичда унинг улуг неъмат эканлигини ҳар нафасда англаб туришимиз жуда муҳим.

Шухрат ШАРАФУТДИНОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

# РАҚОБАТ УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ МАЙДОН ЯРАТИЛАДИ

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, маҳаллий корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва соҳага илгор технологияларни кенг жорий этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Рағбат

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида бугун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар нафақат махсулот ишлаб чиқариш тури ва қўламини оширмоқда, балки аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда фаровонлигини юксалтиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этаётир. Айни пайтда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар махсулотлари бозорларимиз тўқинлигини таъминлаш баробарида, давлатимиз экспорт салоҳиятини оширишга ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг

шу йил 21 августдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳужжат билан иқтисодиётимиз рақобатга хизмат қилувчи қандай вазифалар белгиланмоқда? Юртимиздаги ишлаб чиқарувчиларга яратилган имконияту қулайликларига, давлатимиз экспорт салоҳиятини оширишга ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг

## Илҳом УМРЗОКОВ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги департаменти директори:

— Ушбу қарорни моҳиятан уч қисмга бўлиш мумкин. Биринчиси, бу давлат идоралари ва корхоналарининг давлат харидларидаги шаффофлиги ҳамда самарадорлигини ҳамда ушбу ташкилотлар раҳбариятининг ўз маблағларини ишлатишда маъсулиятини ошириш бўлса, иккинчиси, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, учинчиси, давлат харидларидаги шаффофлигини ошириш ва

иқтисодиётда рақобатни рағбатлантиришга қаратилган. Кўпчиликда савол туғилиши мумкин: бизда ишлаб чиқарилган махсулот сифати эҳтимол, хорижда ишлаб чиқарилганидан, яъни импорт қилинадиганидан юқори эмасдир? Шу боис қарор асосида “Ўзстандард” агентлиги зиммасига махсулотнинг стандартини қайта қўриб чиқиш вазифаси қўйилган.

## Зафар АХМЕДОВ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги бошқарма бошлиги:

— Айтиш жоиз, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган товарлар олинмасдан туриб, ортиқча валюта сарфи ҳисобига четдан товарларни импорт қилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бундан ташқари, ушбу импорт товарларнинг қиймати ҳам экспортдан ўтказилганда, уларнинг юқори нархларида харид қилиниши каби ҳолатлар ҳам мавжудлиги аён бўлди.

Шу боис қарор асосида кузатув кенгашири томонидан харид қилишнинг мақсадга

мувофиқлиги, махсулотларнинг ўзимизда мавжудлиги ҳамда уларнинг импортда нарх фарқлари ўрганилиши алоҳида белгиланди. Агар ҳақиқатда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган махсулот мавжуд бўладиган бўлса, демек, уларни импорт амалиёти билан эмас, ўзимизнинг ишлаб чиқарувчилардан олиш белгиланмоқда.

Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун янада қулайлик яратди.

## Гулнора РАҲИМОВА, Молия вазирлиги департамент бошлиги:

— Мазкур қарор қабул қилиниши натижасида республикамизда фаолият юритиб келган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кенг шaroит яратилди. Чунки давлат хариди бу жуда катта имконият ва талаб. Бу талабнинг маҳаллий товар, иш ва хизматлар билан таъминланишига эришиш маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш ҳолини оширишга олиб келади. Қолаверса, қўшимча иш ўринлари яратилади.

Маҳаллий корхоналарнинг товар номенклатураси кўпайиши кейинги босқичларда экспорт-импорт амалиёт-

лари ҳажмини оширишда ҳам айна мудидадир. Шу кунга қадар давлат харидларининг бюртмачилари бир нечта тоифаларга бўлинган эди. Бундан бўён, яъни 2021 йил 1 январдан бошлаб стратегик субъектлар учун белгиланган алоҳида тартибнинг бекор қилиниши кўрсатиш маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш ҳолини оширишга олиб келади. Қолаверса, қўшимча иш ўринлари яратилади.

Маҳаллий корхоналарнинг товар номенклатураси кўпайиши кейинги босқичларда экспорт-импорт амалиёт-

# «Ўзбекистонда миграция масаласида дастлабки дадил қадам қўйилди, изчил механизм ишлай бошлади»



Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Ўзбекистон тарихида илк марта бундай форматда муҳожама қилинган ушбу масала халқаро жамоатчилиқда қизиқиш уйғотди. Қуйида хорижлик экспертларнинг шу ҳақдаги фикрлари билан танишасиз.

## Эътироф

**Бахтиёр ИСМОИЛОВ, ҳуқуқ ҳимоячиси, “Саховат” (Россия) фонди ижрочи директори:**

— Мана, 12 йилдан ошдики, Россияда ҳуқуқ соҳасида хизмат қилиб келяман. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокида ташқи меҳнат миграцияси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари олди-га қўйилган вазифалар билан танишиб, тўғриси, шу йўналиш билан шуғулланувчи ҳуқуқшунос сифатида жуда қувондим.

Хорижда ўз меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқароларга қулайлик яратиш, уларнинг яшаш, ишлаш шaroитларини яхшилаш борасида кўзда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилса, бу ишга барча мутасадди ташкилот, тегишли вазирлик ва идоралар бош қўшиб, ўз вазифаларини виждонан, тўла-тўқис бажарсалар, биз миграция соҳасида мутлақо янги чара манзарага гувоҳ бўламиз. Шундагина бу йўналиш бугунги цивили-

зация шартларига мос, инсонпарварликка асосланган тарзда ривожлана бошлайди. Хусусан, айна жараёнда таълим дастурларининг бажарилиши ҳам малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилади.

Шу ўринда мазкур селектор йиғилиши мутлақо ўзига хос тарзда, мисли қўрилмаган даражада ўтганини таъкидламоқчи эдим. Нима учун? Шахсан мен ҳеч қачон бирор мавжуд муаммоларни ҳал этишга бу даражада кўп давлат идоралари жалб этилганини ёки мутасаддиларда бу даражада кенг қамровли, кўплаб стратегик вазифалар қўйилганини кўрмаганман.

Ҳозир биз бир нарсани тўғри англаб етишимиз керак. Айна пайтда бутун дунё пандемиядан кейинги мураккаб бир даврга кириб келяпти. Барча мамлакатларда, ҳатто, энг ривожланган давлатларда ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликни камайтириш масаласи ўта долзарб муаммага айланган. Шу маънода, Ўзбекистон ҳукумати Президент бошчилигида айнан шу

масалага бугунги кунда устувор аҳамият қаратаётгани диққатга сазовор.

Айтмоқчиманки, Ўзбекистонда бу борада дастлабки дадил қадам қўйилди, изчил механизм ишлай бошлади. Шу билан бирга, бу, ишнинг бошланғич эканлиги ҳам унутмаслик керак.

Яна бир муҳим жиҳат. Давлат раҳбари масалага жуда кўюнақлик, ҳижо-ҳажон билан ёндашди. У бугунги кунда хорижда меҳнат қилаётган ҳамюртларимизни замонавий ҳақрамонлари, деб атайпти. Буни мулозимларга, турли даражадаги раҳбарларга қаратилган олдидай қаҳриқ сифатида қабул қилиш лозим. У барчадан ушбу масалага янги чара ёндашишни талаб қилапти. Сабаби энди мигрантларга нисбатан кишилар онгиде сунъий равишда шакллантирилган аввалги муносабатини замон кўтаради.

Умид қилаймизки, Ўзбекистон Президенти белгилаб берган юксак марраи барча мутасаддилар яши англаб етсади ва олдинда турган вазифалар бажарилиши учун зарур чоралар кўрилади.

## Наргиза МУРАТАЛИЕВА, эксперт, сиёсий фанлар номзоди, “Cabar.asia” нашри таҳлилий материаллар муҳаррири:

— Тан олиш керак, коронавирус пандемияси жуда кўп жабҳалар қатори миграция соҳасидаги муаммоларни ҳам юзага чиқарди. Аниқроқ айтганда, Марказий Осиё давлатларининг муҳожириликдаги айрим фуқароларнинг эпидемия даврида қийин вазиятга тушиб қолгани аққол кўринди.

Таҳлилларга қараганда, Қирғизистон мигрантлар юборган пул ўтказмалари бўйича жажонда етакчилардан ҳисобланган. 2019 йил якунига қўра, қирғизистон йўналтирилган маблағ жами давлат қарзининг қарийб 30 фоизини ташкил этди.

Ўзбекистон ҳақида гапирадиган бўлсак, бугунги кунда мамлакат аҳолисининг 2,5 миллионга яқини мамлакат ташқирисидан ишлайди. Бу иқтисодий фаол яъни меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг таъминан 20 фоизга тенг. Қўриниб турибдики, миграция билан боғлиқ масалалар, юзага чиқётган муаммолар Қирғизистон учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам жуда долзарб. Бундан ташқари, мигрантларга 10 миллион сўмгача миқдорда ҳам фонзили кре-



билан соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, чет элдан меҳнат қилаётган ўз фуқаролари аҳолини яхшилаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратишини таъминлаш борасидаги самарали ва ижобий тажриба бошқа давлатлар, чунончи, Қирғизистон учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Масалан, ҳукумат таркибида Бош вазирнинг Ташиқ меҳнат миграцияси масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимини жорий қилиниши Ўзбекистон ушбу соҳада жуда жиддий сиёсат олиб бораётганидан далолат. Қолаверса, Ўзбекистоннинг яна бир фойдали ташаббуси — хорижий давлатларда ишлаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш фонди тузилгани ҳам эътирофга лойиқ.

Ушбу жамғарма олди-га қўйилган мақсадларни бажариш учун айна пайтда 100 миллиард сўм африда маблағ ажратилган. Табиийки, ушбу қўмак меҳнат муҳожирилари шaroитларини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилади. Бундан ташқари, мигрантларга 10 миллион сўмгача миқдорда ҳам фонзили кре-

«Халқ сўзи».

# ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР УЛАРНИНГ АВВАЛГИЛАРИДАН АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика таълим маркази ҳамкорлигида “KOLORPAK” ва “GREDO PRINT GROUP” МЧЖлари ҳамда “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйига пресс-тур ташкил этилди.

## Пресс-тур

Республика таълим маркази директори Шухрат Сатторов иштирокида 2020/2021 ўқув йили учун нашр этилаётган дарсликларга қиритилган янгиликлар тўғрисида маълумот берди. Журналистларнинг янги чоп этилаётган дарсликлар савияси ва уларнинг аввалгиларидан фарқи жиҳатлари хусусидаги саволларига жавоб қайтарди.

Айтиш лозимки, 2020/2021 ўқув йили учун 1, 4, 5-синфларга мўлжалланган жами 558 номдаги дарслик ва ўқув-методик қўланмалар чоп этилиши режалаштирилган. Шундан 346 номдаги умумтаълим мактаблари учун, 160 номдаги имконияти чекланган болалар учун, 52 номдаги си мултимедиа иловалари ҳисобланади.

— Дарслик ҳамда ўқув-методик қўланмаларни нашрга тайёрлашда асосий эътибор маъруз ва сифат жиҳатидан халқаро талабларга жавоб беришига қаратилди, — дейди Ш. Сатторов. — Бунинг учун амалиётчи ўқитувчилар ҳамда фан методистлари, салоҳиятли олимлар томонидан дарсликлар бир неча бор экспертизадан ўтказилди. Экспертиза хулосалари асосида эса дарсликлар муаллифлари, нашриёт ходимлари ҳамда фан методистлари ҳамкорлигида дарсликлар қайта ишланиб, маърузи ва иллюстрацияларига тегишли ўзгаришлар киритилди. Бугунги кунда қайта нашрга тавсия этилган, иллюстрацияси эскириб кетган, ёрқин рангларида бўлмаган, чизилган расмлар ўзининг жозибаси-

дорлигини йўқотган дарсликларни такомиллаштириш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Бу йилги чоп этиладиган дарсликлар қайта нашрдаги дарсликлар бўлганлиги сабабли асосий эътибор уларнинг маърузи ва дизайнига қаратилди.

Шуни айтиш кераки, ҳозирга қадар Республика таълим марказига фойдаланувчилар томонидан 8 мингдан ортиқ тақлифлар келиб тушди. Ушбу тақлиф ва мулоҳазалар ўрганиб чиқилиб, дарсликларнинг даврийлик асосида нашрга тайёрлаш жараёнида инobatта олинмоқда. “Дарсликлар муҳокамаси” Telegram каналига жорий йилда янги ва қайта нашр этилаётган дарсликларнинг PDF нусхалари босқичма-босқич қўйиб боришмоқда. Ҳозирги кунга қадар бу каналга 225 дан зиёд тақлифлар келиб тушди. Тақлифларнинг асосий қисми дарслик маърузини, бир қисми дизайн ҳамда имловий хатоларни тўғрилаш ҳақида бўлиб, улар дарсликларни нашрга тайёрлаш жараёнида инobatта олинмоқда.

Жорий йилдан 1 — 9-синфлар учун “Тарбия”, 5, 8, 9-синфлар учун “Информатика”, 4, 5-синфлар учун “Технология”, 4-синф учун “Ўзбек тили”, 10 ва 11-синфлар учун “Она тили” ҳамда “Ўзбек тили” фани ўқитувчиларига учун методик қўланмалар яратилиши асосий янгиликлардан ҳисобланади.

Дарсликларни нашрга тайёрлашда, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг ёши ва пси-

хо-физиологик хусусиятлари инobatта олинди. Шунингдек, дарслик маърузида мавжуд бўлган тақдорланишлар бартараф этилди, халқаро тажрибага сунган ҳолда, дарсликнинг дизайни ҳамда фото-иллюстрацияларига ўзгаришлар киритилди.

Шу билан бирга, фанлар кесимида фанлараро боғлиқлик ва синфлараро узвийлик таъминланди.

Кўзи оғиб ўқувчилар учун чоп этилаётган Брайл алифбосидаги дарсликларга бўртма шаклдаги расмлар ҳамда хариталар киритилди. Илк бор 10 ва 11-синфлар учун 9 номдаги Брайл дарсликлари ҳамда кар ва заиф эшитувчи ўқувчилар учун 4 номдаги янги дарсликлар тайёрланмоқда.

Янгиликлардан яна бири — мавзуларни қўшимча маълумотлар билан бойитиш мақсадида дарсликларга QR-код ўрнатилди. Таълим қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун 5-синф адабиёт дарсликларига ўзбек ва жажон адабларининг ҳаёти ҳамда ижодидан намуналар киритилгани ҳам дарсликлардаги янгилик ҳисобланади.

Вазирлик Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан янги “Тарбия” фани жорий этилди. Янги фан дарсликларидеги амалиётга йўналтирилган маълумотлар ва мавзулар ўқувчида муваффақият мотивларини ўйғотади, фаол фуқаролик позициясини шакллантиради.

Энг муҳими, дарсликлар инновациядан ёндашув асосида тайёрланди. Бунда ўқувчиларда манчйлик фикрлашга йўналтирилган таълимий йўналиш, машқлар, масалалар ва топшириқлар амалий кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент тўқимачилик ва энгил sanoат институтига вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади.

1. Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси	ассистент
2. Мухандислик ва компьютер графикаси кафедраси	ассистент
3. Тўқима матолари технологияси кафедраси	ассистент
4. Ипак технологияси кафедраси	катта ўқитувчи
5. Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси	доцент, ассистент
6. Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси	доцент
7. Костюм дизайни кафедраси	доцент, ассистент
8. Кимёвий технология кафедраси	ассистент
9. Физика ва электротехника кафедраси	катта ўқитувчи, ассистент
10. Тиллар кафедраси	доцент (рус тили), катта ўқитувчи (инглиз тили), ассистент (инглиз тили)
11. Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси кафедраси	катта ўқитувчи, ассистент
12. Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси	ассистент
13. Корпоратив бошқарув кафедраси	доцент
14. Йигириш технологияси кафедраси	доцент

Танловда иштирок этишни аҳолиларнинг реktor номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий varaқа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда иختиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширади.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мuddатда қабул қилинади.

**Эслатма:** мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган мuddат бўйича кафедрани ҳисобот беради, танловда қатнашувчилар синов дарслари ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 210-хона. Телефон: 71-253-17-78.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти **Дилбар ИКРОМОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

**«Халқ сўзи»га** 9.00 дан 18.00 гача **71-232-10-63, 71-232-11-15.** **ЭЪЛОНЛАР** **ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.** E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

# МАЪРИФАТ МИНОРАСИ



Жаҳоний шаҳар Самарқанднинг юраги — Регистонда буюк бобомиз, олим султон Мирзо Улугбек бош бўлиб қурдириб, 1420 йилнинг 21 сентябрь кунини шахсан ўзи очиб берган мадрасаи олия муборак 600 ёшга тўлади. Бу қутлуг ёшга у Самарқанд давлат университети мақомида, сиймосида кутиб оляпти. Олий таълим даргоҳининг шаклида замонавийлик барқ уриб турибди. Аммо унинг шаймоилида 600 йиллик донишмандлик, тарих, маънавият муборак.

Бугун Самарқанд сўзидан — университет, университет сўзидан — Самарқанд нурафшон. СамДУ дунёнинг энг машҳур, қадимий университетларига тарихдош, тақдирдош. Уни мамлакатни 40 йил тинч, омон бошқарган, буюк астроном, тарихчи, файласуф бобомиз, соҳибқирон Амир Темури «Улугим», деб эркаклаган аждодимиз Мирзо Улугбек қурдиргани ҳам шарафга буркайди. Буюк султон нафақат чексиз узокликдаги юлдузларни, балки бугунги бизларни ҳам олти асрлик масофадан кўрган бўлса, не ажаб? Шунинг учун 1420 йил 21 сентябрни дунёнинг илмий марказларидан бири бўлган Улугбек мадрасасининг очилиши — Самарқанд давлат университети тарихининг бошланиши, дейишга тўла ҳақлимиз.

Мадрасаи олия — халқаро олий билим юрти, ҳозирги тилда айтганда, университет эди. «Университет» сўзининг бугунги маъноси буни исботлаб беради. Мана: «Universitat, бу — бу олий таълим муассасаси бўлиб, унда фундаментал ва амалий фанлар бўйича мутахассислар тайёрланган. Одат-

Халқни илм, маърифат улғайтиради, орзуларига шиддат, ғайрат беради. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари интилишларимизда эришаётган ютуқларимизга, жамият раванга, халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган буюк ишларда олий таълим муассасаларининг роли ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Азалдан миллатимизнинг инсон капиталини яратиб келган олий таълим муассасалари — мадрасаи олиялар тарихимизда ўнмас из қолдирган. Шуниси диққатга моликки, миллий ҳамда жаҳон илм-фани, таълим тизими тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган, қўнға ва ҳамшира навқирон Самарқанд давлат университети — мадрасаи олия ўзининг муборак олти асрлик тўйини нишонламоқда.

## Акс садо

да университетларда илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилган», дейилади Википедияда. Мадрасаи олия ўз номи билан университет бўлган. Унда ўқитилган фанлар номи ва сони мадрасаи олияга универсаллик бахш этган. Жумладан, ушбу даргоҳда риёзиёт, илми ҳайъат, ҳандаса, журғофия, тарих, тиббиёт, мусика, мантик, аруз (шаръият), теология, ҳадис, филх, адаб, илми ҳикмат, илми калом, араб тили ўргатилган. Бугунги талқинда айтганда, нафақат диний, балки математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт, тарих, фалсафа, адабиёт каби ижтимоий-гуманитар, аниқ ҳамда табиий фанлар ўқитилган. Чунки буюк бобомиз Имом Бухорий лафзи билан айтганда, нафақат диний, балки дунёвий «Илмсиз наҳот йўқ ва бўлмағай».

Мадрасаи олиянинг олимлари гуманитар ҳамда аниқ фанларнинг турли соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб борган, нодир асарлар яратган ва изланишлар натижаларини, кашфиётларини шу жойнинг ўзида — мадрасада ҳаётга татбиқ этганлар. Интернетга қарасак, бугун ана шундай мақомга чиққан — таълим беришга, илмий тадқиқотларни ҳамда билим натижаларини амалиётга жорий қилишга қодир университетлар замонавий университет деб тан олинаётганини кўриб, ҳам

ҳайратланасиз, ҳам фахрланасиз. Мадрасаи олияда қанча толиби илм дарс олгани маълум эмасдир. Лекин илм исоб, Хиротдан Самарқандда илм билан келган бир талаба исми шарифини айтишнинг ўзи ҳам мадрасаи олияни азалий ва абадий шухратга буркашга қийоф. Бу — Мир Алишер Навоийдир. Демак, Алишернинг Навоий бўлишида Самарқанд, мадрасаи олия илмий-ижодий бешик бўлди, дейиш мумкин. Шундай экан,

**Ҳақ йўлида қим санга  
бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг  
ҳақин юз ганж ила,**

деган оқибатли буюк шоғирд дил изохорини Самарқандда ўтган талабалик йилларини эслаб ёзган бўлса, не тонг! Ўзи таълим олган мадрасаи олияга, «ранж ила» ўқитган устозлари — мударрисларига таъзим бажо қилиб айтган бўлса, не ажаб?!

Оққан дарё оқаверади. Бугун халқимиз, дунё аҳли Самарқандга қараб, бу тарихий ворислик, анъанавийлик, маърифий қадриятларга садоқатнинг бугунги авлодлар мисолидаги улкан ибратини кўриб турибди. Мирзо Улугбек кўрсатган улуг ибрат, илмпарварлик ташаббуси давом этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўнлаб универ-

ситетлар ташкил этилмоқда. Олий таълим тизими тубдан модернизация қилинмоқда. Хусусан, Самарқанд давлат университетида ҳам шиддатли сифат ўзгаришлари амалга ошириляпти. Дунёдаги пешқадам педагогик тахриблар, технологиялар университетда жорий этилаётгани қувонарли хол.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача янги равишда модернизацияга асосан, Самарқанд давлат университети ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш вазифаси белгилаб берилди. 600 йиллик шарафли тарих, анъаналарга эга Самарқанд давлат университети бу юксак ишонччи, албатта, оқлайди. Университетда тиним билмай олиб борилаётган модернизациянинг бугунги натижалари шундан дарак бермоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги қарорига асосан, 2018 — 2021 йилларда Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётгани ўзгаришларга қуч-қувват



бермоқда. Хусусан, фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар қўлими кенгайтирилди, Марказий Осиё ҳудудида фаолият юритган алло-маларнинг ислом маданиятига қўшган ҳиссаси, илм-фанга доир қўлёзмалари, нодир китоблари ва бошқа қадимий манбалар кенг тарғиб қилинмоқда.

Самарқанд давлат университети мамлакатимизда кечаётган ислохотлар билан ҳамқадам. Президентимиз қарорлари асосида мактабгача таълим тизимининг замонавий талаблар асосида барпо этилиши, мактаб, академик лицейлар фаолияти такомиллаштирилиши, янги институт ва университети ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш вазифаси белгилаб берилди. 600 йиллик шарафли тарих, анъаналарга эга Самарқанд давлат университети бу юксак ишонччи, албатта, оқлайди. Университетда тиним билмай олиб борилаётган модернизациянинг бугунги натижалари шундан дарак бермоқда.

**Мухаммадjon ҚУРОНОВ,  
Республика Маънавият ва  
маърифат маркази  
раҳбарининг биринчи  
ўринбосари, педагогика  
фанлари доктори, профессор.**

## «МИКРОКРЕДИТБАНК» СЎХ ТУМАНИДА

5 МИЛЛИАРД СЎМЛИК ЛОЙИХАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Бугунги кунда Фарғона вилоятининг Сўх туманини ҳар томонлама ривожлантириш, ушбу ҳудуд аҳолисига муносиб ва қулай турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, жалб этилаётган ресурслар, амалий ҳаракатлар самараси ҳозирданок кўзга ташланипти.

### Молия муассасаларида

Хусусан, «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси ҳам Сўх туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги лойиҳаларда фаол иштирок этишга бел болаган. Гап шундаки, Президентимизнинг шу йил 5-июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи доирасида Сўх туманини ривожлантириш бўйича «Микрокредитбанк» АТБ томонидан қўйилган 5 миллиард сўм бўлган 6 та лойиҳани ишга тушириш орқали жами 140 кишининг бандлигини таъминлаш белгиланган эди. Хўш, ушбу лойиҳалар қайси йўналишда ва туман иқтисодиётига, одамлар ҳаётига қандай наф беради? Ахир ҳар қандай лойиҳага шу жихатдан ёндашишда ва у ана шундай талабларга жавоб беришига уни истиқболли, дея баҳолаш мумкин бўлади.

Шу маънода айтиш мумкинки, мазкур лойиҳаларнинг барчаси узокни кўзлаб амалга оширилмоқда. Яъни аниқ мақсади бор. Масалан, «Сўх дунё жаҳон транς» масъулияти чекланган жамияти томонидан логистика хизматини ташкил этиш кўзда тутилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,8 миллиард сўм бўлса, шундан 1 миллиард сўми банк кредити, қолгани жамиятнинг ўз маблағи.

«Ҳаётхони машҳурий Сўхий» масъулияти чекланган жамияти жамоаси эса ўз олдига мебель ишлаб чиқаришни мақсад қилиб қўйган, бунинг учун 300 миллион сўм маблағи бор. Лекин лойиҳани тўлиқ рўёбга чиқариш учун ушбу сармога камлик қилиши аниқ. Шундай пайтда унга «Микрокредитбанк» томонидан 200 миллион сўм кредит ажратилиши аниқ мўддао бўлди.

«Маскани Маъмураи Сўхи» хусусий корхонаси ҳам умумий қиймати 1 миллиард 450 миллион сўмлик аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш объектини қуриш

ишларини бошлаган. Бунинг учун банк тадбиркорлик субъектига 500 миллион сўм сармога ажратилган бўлди.

Худуддаги «Тиллоев Набижон» масъулияти чекланган жамиятига эса 100 миллион сўмлик сармога берилиши режалаштирилган. Тадбиркор ушбу кредит, қолаверса, ўзининг 400 миллион сўм маблағи эвазига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолиятини йўлга қўйишни мақсад қилган.

Айни пайтда банк томонидан шу ва бошқа лойиҳалар босқичма-босқич молиялаштирилмоқда.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг «2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, яқинда туманининг «Себзор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Фармонжон минимаркет» хусусий корхонаси томонидан адрас, атлас ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда ипақдан кўлдаги гилам тўқиш кооперацияси ташкил этилди.

Ушбу лойиҳалар орқали ҳудуддаги 120 нафар кам таъминланган оила вакиллари бандлигини йўлга қўйиш назарда тутилган.

Албатта, юқоридagi лойиҳаларни сифатли амалга ошириш учун ҳудудда банк шохобчаси фаолият юритиши талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, яқин кунларда тумандаги «Истиклол» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий «Банк хизматлари маркази» ишга туширилади. Бу, табиийки, туман аҳолисига янада қулайлик яратади.

**Банк ахборот хизмати.**

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

**SANOAT QURILISH BANK**

# 29 йил

**Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!**

**Юртдошларимизни 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллик шодиёнаси билан самимий табриклаймиз. Янги тараққиёт сари одимлаётган Ўзбекистонни ривожлантириш йўлида меҳнат қилаётган халқимизга қуч-қувват, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Мамлакатимиз бундан-да равнақ топиб, гуллаб-яшнайсин, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!**

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ жамоаси.

**TRASTBANK**

## «ТРАСТБАНК» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ ЖАМОАСИ ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИНИ ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМИМИЗ — ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ЧИН ҚАЛБДАН МУБОРАКБЎД ЭТАДИ!

**Хонадонингизга бахт ва омад, дастурхонингизга тўқинлик ҳамда муқаддас Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизга улкан зафарлар тилайди. Ватанимизнинг осмони мусаффо ва қалбларингиз доимо қувончга тўлсин!**

**Байрам муносабати билан «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки миллий валютада йиллик 18 фоиздан «Даромат» омонатини тақлиф этади. Омонат муддати — 24 ой. Омонат бўйича бошланғич бадал — 500 000 сўм.**

Омонатчи омонатни муддати тугамастан қайтариб олмақчи бўлса, ҳар олти ойига ҳисобланган фоиз тўлиқ тўлаб бериллади.

**29 йил**

Телефон: 78-140-00-88.  
Telegram: https://t.me/trustbankuz  
Facebook: https://facebook.com/trustbank\_uz  
Instagram: https://www.instagram.com/trustbank\_uz/

Хизматлар лицензияланган.

**Халқ сўзи Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 31 961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Ғофсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни оқибат олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 0010-0784

Тахриратга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахрират компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Д. Соликов.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.30 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6